

Ганижоннинг хотини тугмай юриб-юриб бирданига кўчкордай ўгил тугиб берди. Ганижон хотини хомиладор бўлганда ҳам, болани кўтариб юрганда ҳам, ой-куни яқинлашиб колганда ҳам бунга кишлокда хар куни, хар ерда бўлаётган ва бўладиган ходиса деб караган эди. Бирок боланинг ер юзига тушуви унинг учун ҳеч қачон, ҳеч ерда кўрилмаган ва кўрилмайдиган ходисадай туюлди; назарида бутун кишлок кўпдан бери шу кунга махтал бўлиб, ҳозир факат шу тўгрида гапираётгандай, хар бир суюнчи олиб келган ва хар бир «куллук бўлсин» деган киши шуни тасдик қилаётгандай бўлар эди. У «дадаси» деган сўзни биринчи марта эшитганида бу сўз қаеринидир китиклади, қаеригадир иссиқкина тегаб, бутун вужуди яйраб кетди.

Мана шу Ганижон ўгилчасига каравот олгани раён марказига борди, кўзига энг чиройли кўринган каравотчани олди ва отига ўнгариб қайтиб келмоқда эди.

Йўл бўйидаги ариқлар афти буришганича музлаб колган, дарахтлар чўлтоқ суггургига ўхшайди. Хаво, куни бўйи зўр бериб лоакал тўрттагина қор ташламаганидан ҳуноб бўлгандай, ковоги солиқ. Шунинг учун, хали кун ботмагани холда, кош қорайган. Кискаси, кишининг бахрини очадиган ҳеч нарса йўқ. Шундай бўлса ҳам, Ганижон гашт қилиб, отнинг оёқ ташлаши ва сувлукнинг шикиллаши мақомига ашула айтиб борар эди:

Хой-хой, менинг ёримсан,
Танимдаги жонимсан,
Қоронгу кечаларда
Ёндирган чирогимсан...

Пахтаобод кишлогининг чикаверишида йўл бўйида ўтирган кимдир кўлини кўтариб Ганижонга бир нима деди. Шу онда орқадан гуриллаб автомобил келиб колдию, Ганижон унинг нима деганини эшитмади. От автомобилдан хуркиб, хийла ергача суриб кетди. Ганижон қайтиб келгани эриндию, кета берди. Бирон километр йўл босганидан кейин, шу яқин ўртадан милтик товуши чикди. Тепаликдаги бакатеракдан гурр этиб кўтарилган бир тўп қарга «ка-куг» деганича хар томонга учиб кетди. Қаргаларнинг қабиллаши Ганижонга совукни ва йўл бўйида ўтириб кўлини кўтарган халиги кишини эслатди. Ким экан у, шу совукда кўчада ўтирган? Нега кўлини кўтардию, нима деди? Бемахалда йўлга чиккан бирон йўловчи экану, «отингга мингаштириб ол» дедимикин? Ундай бўлса, нега ўрнидан турмади?

Ганижон беихтиёр орқасига қарадию, яна йўлида давом этди; бирон ашула бошламоқчи бўлган эди, йўл бўйида ўтирган киши сира назаридан кетмай, ҳеч нарса эсига келмади. Нега йўл бўйида ўтирибди? «Мингаштириб ол» демокчи бўлса, нега ўрнидан турмади? Ё қасалмикин? Агар шундай бўлса, яхши бўлмади. Хали ҳам қайтиш керак. Бордию, аскарликдан бўшаб қелаётган бирон инвалид бўлса-чи?

Ганижон дархол отининг бошини буриб орқага чопди; ўша одам ўтирган жойни тусмол билан топди. Бу ерда ҳеч ким йўқ эди. Товуш чикарди. Ҳеч ким жавоб бермади. Шу атрофни кўп кидирди, тополмади. Негадир «ўша одам албатта инвалид» деган фикрга келди. Назарида, у оксоқланиб, кишлокка кириб бораётгандай бўлди. От кўйиб кишлокка кирди. Бир неча кишини тўхтатиб сўради. Ҳеч ким «ўша одам мен» ёки «шундай одамни кўрдим» демади. Ганижон «пиёда жўнаган экан, кўрмабман» деган гумон билан орқага қайтди; яқин икки километр ергача йўлнинг икки томонини синчиклаб кўздан кечириб от

чопди; яна кайтди...

Шундай килиб, Ганижон уйига ярим кечаси кедди. Унинг авзойи шундай эдики, хотини кўлидаги чиройли каравотчага ҳам карамай:

— Вой ўлай, нима бўлди? — деди.

— Хеч... чарчадим, — деди Ганижон, лекин бўлган воқеани хотинига айтгани уялди.

Бир уйқуни олиб турган хотини яна уйқуга кетди ҳамки, Ганижон киприк кокмади. У кўзини юмиши билан шинел кийган оксок киши кўз олдига келар, рўпарасида кўлтиктаёкка таяниб туриб «хали шуми меҳри окибат» деяётгандай бўлар эди. Ганижон тамаки чеккани туриб, токчадаги патнисни тушириб юборди. Хотини уйгонди.

— Ха, нима килиб юрибсиз? Чирогни кўтарсангиз-чи! — Тамаки каерда?

— Нима киласиз?

— Миниб бозорга бориб келаман! Тамакини нима килади киши? Чекади-да! - деди Ганижон бўгилиб.

— Ха, мунча... кечаси тамаки чекадиган одатингиз йўқ эди, шунга сўрадим.

Ерини хеч қачон бундай кайфиятда кўрмагани, ундан сира дагал сўз эшитмагани учун хотинининг кўнглига гул-гула тушди, ўрнидан туриб ёнбошлади.

— Бирон жойингиз огрияптими?

— Йўқ.

Ганижон тамаки чекди ва келиб чўзилди. Хотини унинг бошини силади.

— Биров хафа килдими?

— Йўқ.

Хотини бир оз туриб яна сўради:

— Нега бемахалга колдингиз?

— Йўлда иш чикиб колди.

— Нима иш? Нима бўлди? Айтинг, ўргулиб кетай... Менга айтмасангиз кимга айтасиз...

Ганижон, хотини жуда катта ташвишда колганини пайкаб, гапнинг учини чикарди.

— Келаётсам, йўл бўйида биров ўтирган экан, кўлини кўтариб «жон ака, мени мингаштириб олинг» дегандай бўлди.

— Ким экан у?

— Ўрнидан турмади. Шундан гумон килдимки, аскарликдан бўшаб келаётган бирон инвалидми... Инвалид эканлиги аник!

— Дарров мингаштириб олмадингизми?

— От, харом ўлгур, суриб кетиб кодди. Кайтиб бориб тополмадим. Чакирдим, у ёк-бу ёкни кидирдим. Ўтирган жойини отдан тушиб карамабман, шунга кўнглим гаш бўлаётибди. Яраси ёмонрок бўлса, кўнгли озиб, ўша ерда ётиб колдим...

— Унчалик эмасдир... Аввали шуки, аскарликдан бўшаб келган киши йўл бўйида «ким ўтар экан» деб ўтирмайди, уларга от-арава, машина ҳаммавакт тайёр, ҳаммавакт топилади.

Хотини бу гапни Ганижонга тасалли бериш учун бошлаган эди, бироқ унга тасалли беришдан бурунрок ўзининг кўнглига гашлик тушди. Унинг назарида, ўша одам хакикатан инвалид бўлиб, яраси очилганлиги оркасида кўнгли озган, хозир хушига келиб, арик бўйида инкиллаб ётгандай бўлди.

— Ўтирган жойини карамадингизми?

— Карадим, лекин отдан тушиб караганим йўқ. Коронги эди.

— Вой, одам ҳам шунчалик бегам бўладими? Отдан тушиб пайпаслаб карамайсизми! Энди нима бўлди!

Ганижон иргиб ўрнидан турди.

— Бориб келсаммикин?

— Шу вақтгача ётармиди?

— У-ку ётмас, биров олиб кетар, лекин бу ахволда биз ётолмаймиз-да!

Ганижон дарров кийиниб чиқди ва бориб колхоз отбоқари Насибалини уйготди.

Насибали маст уйкуда ётган экан, малол келиб гаплашди.

— Каёкка борасиз шу маҳалда?

Гапни чўзмаслик учун Ганижон ёлгон гапирди:

— Амакимнинг ўгли аскарликдан бўшаб келибди, шуни кўриб келаман.

Насибали дарров отхонага кириб, битта отни етаклаб чиқди.

— От минганда одам орка-олдига караб юради, — деди коринбогини тортаётиб, — хали сал бўлмаса автомобил уриб кетаёзди.

— Качон?

— Хали-чи, хали! Пахтаободдан чиқаверишда!

— Кўл кўтарган сизмидингиз! У ерда нима килиб ўтирган эдингиз?

— Арпага борган эдим.

— Э, саломат бўлинг! Бўлди, от керак эмас!

Насибали хайрон бўлганича қолаверди. Ганижон югурганича уйига келди ва эшикдан шовкин солиб кирди:

— Насибали экан! Насибали!

Бола эмизиб ўтирган хотин ўрнидан туриб беихтиёр:

— Вой, ўлсин? — деди.

Бирпасдан кейин эр-хотин можарони унутишди. Ганижон каравотнинг бир томонини кўтариб:

— Бу каравотни кўрдингми? Каравот олиш мана бундок бўлади. Тугишни сенга-ю, каравот олишни менга чиқарган! — деди.

Эр-хотин хотиржам бўлиб уйкуга кетишди.

1945